

9-1-2018

Innovative development of livestock production and the role of service infrastructure in it

A.A Khasanov

Termez State University, Termez, 190111 , Uzbekistan, akhasanov11@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Khasanov, A.A (2018) "Innovative development of livestock production and the role of service infrastructure in it," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 4 , Article 26.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss4/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ РОЛИ

**Хасанов Абрай Аллаярович,
Термиз давлат университети таянч докторанти**

E-mail: akhasanov11@mail.ru

Аннотация: Мақолада чорвачилик соҳасини инновацион ривожлантириш самарадорлик кўрсаткичлари (биологик, техник-технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик) тизимлаштирилган. Шунингдек, чорвачилик хўжалиklarининг инновацион ва барқарор ривожланиши унга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланганлик даражасига боғлиқлиги таҳлил этилган.

Аннотация: В статье систематизированы показатели эффективности (биологические, технико-технологические, экономические, социальные и экологические) инновационной развития животноводства. В нем также проанализирована зависимость инноваций и устойчивого развития животноводческих ферм от развития инфраструктуры, которая ей служит.

Abstract: The article systemizes the performance indicators (biological, technological, economic, social and environmental) of innovation development in the livestock. It also analyzes the dependence of innovation and the sustainable development of livestock farms on the development of the infrastructure that serves it.

Калит сўзлар: чорвачилик, инновация, инфратузилма, биологик самарадорлик, техник-технологик самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, экологик самарадорлик.

Кириш

Чорвачилик – қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. У муҳим озуқа маҳсулотларини – сўт, гўшт, тухум, асал, балиқ каби чорвачилиқдан олинадиган оқсил моддаси манбаси, саноат ишлаб чиқариши, қайта ишловчи саноат учун хомашё (сўт, гўшт, тери, жун, пилла ва бошқалар) ва ўсимликчилик учун органик ўғитлар тайёрлаб бериш билан хизмат қилади.

Чорвачилик соҳасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда диверсификациялаш натижасида республикада 2005 йилда қорамоллар бош сони 6 млн 571,8 минг бошдан 2017 йилда 12 млн 414,7 минг бошга ёки 188,9 фоизга, шундан сигирлар сони мос равишда 2 млн 821,3 минг бошдан 4 млн 418,3 минг бошга ёки 156,6 фоизга, қўй ва эчкилар сони 11 млн 351,9 минг бошдан 20 млн 680,5 минг бошга ёки 182,2 фоизга, паррандалар сони эса 18 млн 775,7 минг бошдан 71 млн 343,4 минг бошга ёки 3,8 мартага ўсди [1].

Маълумки, ҳар қандай тармоқни инновацион ривожлантириш, авваламбор, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, такомиллашган, инновацион техника ва технология ҳамда ишлаб чиқаришни, шунингдек, меҳнатни ташкил этишининг янги шаклларида фойдаланиш натижасида мавжуд ресурслардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайди.

Чорвачилик тармоғида инновацион фаолият деганда чорвачилик тармоғининг янги ёки яхшиланган (сифат, кўриниши ва самарадорлик кўрсаткичлари бўйича) маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятга айтилади. Ушбу фаолият илмий-тадқиқот ва ишланма ёки ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда бозорни эгаллаш мақсадида илғор тажрибалардан фойдаланиш натижасида вужудга келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Чорвачиликни инновацион ривожлантиришнинг уч йўналиши мавжуд бўлиб, улар:

- Интенсив (ўз тажрибасига асосланган);
- Интенсив (хориж тажрибасига асосланган);
- Экстенсив (қишлоқ аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ўз чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини сақлаб қолиш)[2].

Чорвачиликда инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларига қуйидагилар киради[3]:

- а) ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги;
- б) ишлаб чиқариш жараёнида биологик активларни ишлатиш - ўсимликлар ва ҳайвонлар, ерлар;
- с) инновацион жараёнларни бошқаришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- д) мазкур соҳада ишлаб чиқариш ва молиявий таваккалчиликнинг бошқа соҳаларга нисбатан сезиларли даражада юқорилиги.

Чорвачиликда инновацион ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари, инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг услублари ҳамда минтақа чорвачилигини инновация асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таҳлил этилганда[4], чорвачилик тармоғини инновацион ривожлантириш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсиши ҳамда бу жараённи жадаллаштириш мақсадида ишланма ва интенсивлаштиришнинг янги воситаларини қўллашни рағбатлантирувчи ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни таъминлаш зарурлиги аниқланди.

Тадқиқот методолигияси

Чорвачилик соҳасини инновацион ривожлантиришда фойдаланиладиган самарадорлик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги жиҳатдан мураккаблиги билан ажралиб туради. Соҳада олинган самарадан келиб чиққан ҳолда самарадорликнинг техник-технологик, биологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлик кўринишлари мавжуд[5], (1-жадвал). Чорвачилик соҳасини инновацион ривожлантириш самарадорлик кўрсаткичлари олинган самара туридан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилади ва турлича харажатлар билан солиштирилади.

Чорвачилик соҳасида самарадорлик турлари таркибида биологик самарадорлик алоҳида аҳамият касб этиб, чорвачиликда маҳсулдорликнинг, сарфланган озуқа ҳажмига нисбатан олинган маҳсулот ҳажмининг ошиши билан изоҳланади.

Инновацион фаолиятнинг техник-технологик самарадорлиги бир шартли чорва мол ҳисобига чорвачилик маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, фонд ва энергетик ресурслар сифимининг камайиши билан аниқланади. Шунингдек, техник-технологик самарадорлик чорвачилик соҳасини техник-технологик қайта жиҳозлаш мақсадида амалга оширилган инновацион ишланмаларга сарфланган маблағ ҳисобига олинган маҳсулот ҳажми (қиймати)ни аниқлаш орқали ҳам ифодаланади.

1-жадвал

Чорвачилик соҳасида инновацион ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва баҳолаш усуллари

Самарадорлик кўринишлари	Олинган самара	Кўрсаткичлар	Изоҳ
Биологик самарадорлик	Чорва молларининг генетик имкониятларини ошириш ва озуқа тўйимлилигини яхшилаш ҳисобига чорвачиликда маҳсулдорликнинг ошиши ва маҳсулот сифати яхшиланиши	$B_s = \frac{YaM}{I_m}$	B_s – инновацион ривожлантиришнинг биологик самарадорлик кўрсаткичи; YaM – чорвачилик маҳсулотлари ҳажми; I_m - чорва молларнинг генетик салоҳиятини такомиллаштириш, юқори маҳсулдор чорва моллар, биотехнологиялар, генетик муҳандисликдан унумли фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар.
		$B_{so} = \frac{YaM}{O_b}$	B_{so} – инновацион ривожлантиришнинг биологик (иқтисодий) самарадорлик кўрсаткичи (озуқа базасини яхшилаш ҳисобига) O_b - озуқа сифати ва чорва молларининг озиқлантириш даражасини яхшилашга сарфланган харажатлар
		$K_{so} = \frac{O_h}{YaM}$	K_{so} - озуқанинг конверсия коэффициенти, яъни бир бирлик олинган маҳсулот ҳисобига (1кг маҳсулот ўсиши, 1кг сут, 1кг жун ва бошқа) сарфланган озуқа ҳажми; O_h - сарфланган озуқа миқдори; YaM – чорвачиликда олинган маҳсулот ҳажми
Техник-технологик самарадорлик	1 та шартли бош чорва молга сарфланган моддий-техник ресурслар ҳисобига чорва-чилик маҳсулот-ларининг кўпайиши	$T_t = \frac{YaM}{F_{as} + F_{ay}}$	T_t – чорвачилик соҳасинининг техник-технологик самарадорлиги; YaM - чорвачилик соҳасини техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш (энергетик ресурсларни такомиллаштириш, инновацион ишланмаларни жорий этиш) ҳисобига олинган маҳсулот; $F_a + F_{ay}$ – чорвачилик соҳасини техник-технологик қайта жиҳозлаш учун сарфланган асосий ва айланма воситалар қиймати
		$T_e = \frac{YaM}{E_r}$	T_e – энергетик ресурсларни такомиллаштириш ҳисобига олинган техник-технологик самарадорлик E_r - чорвачилик соҳасини техник-технологик қайта жиҳозлаш учун сарфланган энергетик ресурслар қиймати
		$T_i = \frac{YaM}{I_{in}}$	T_i – ишлаб чиқаришга инновацион ишланма ва лойиҳаларни (сунъий уруғлантириш, янги зот) жорий этиш

			ҳисобига олинган техник технологик самарадорлик; I_{in} – инновацион ишланмаларга сарфланган маблағ
Иқтисодий самарадорлик	Чорвачиликда товар маҳсулоти ўсиши, инновацияларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини қоплаш муддатлари қисқариши, чорвачилик маҳсулотлари сифати яхшиланилиши	$I_t = \frac{T_1 - T_2}{I_{in}}$	I_t – инновацияларни киритиш ҳисобига харажатларни тежашдан олинган иқтисодий самарадорлик; $T_1 - T_2$ – инновацияларни киритишдан олдинги ва кейинги харажатлар; I_{in} – инновацион ишланмаларга сарфланган маблағ
		$I_f = \frac{F}{I_{in}}$	I_f – инновацияларни киритишда фойданинг кўпайиши ҳисобига олинган иқтисодий самарадорлик; F – инновацияларни киритишда олинган фойда
		$R = \frac{F}{I_{in}} * 100\%$	R – инновацион фаолиятнинг рентабеллик даражаси, %
		$M_u = \frac{YaM}{V}$	M_u – инновацион ривожлантиришнинг меҳнат унумдорлиги; V – инновацион фаолият натижасида меҳнат сарфининг камайиши
Ижтимоий самарадорлик	Чорвачилик соҳасида банд бўлган ишчи ходимларнинг турмуш сифати ва уларнинг турли хил эҳтиёжларининг қониқиш даражасининг яхшиланилиши	$RID = (ND - ST) * J_{pxq}$	RID – реал ихтиёрдаги даромадлар; ND – номинал даромад; ST – солиқлар, мажбурий тўловлар J_{pxq} – пулнинг харид қобилияти индекси (нархлар индексига тескари кўрсаткич).
		$RIH = (NIH - SA) * J_{pxq}$ [4]	RIH – реал иш ҳақи; NIH – номинал иш ҳақи; SA – солиқлар, иш ҳақидан мажбурий ажратмалар
Экологик самарадорлик	Атроф-муҳит муҳофазаси, ишлаб чиқарилган экологик тоза маҳсулот ҳажмининг ортиши	$E_s = \frac{EM}{X}$	E_s – экологик самарадорлик; EM – ишлаб чиқарилган экологик тоза маҳсулот ҳажми; X – экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар суммаси

Инновацион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги ресурслар сифатини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадга эришиши билан аниқланади ва таннархнинг камайиши, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Инновацион фаолиятнинг ижтимоий самарадорлиги аҳоли турмуш даражасини акс эттиради ва чорвачилик тармоғида банд бўлганларнинг иш ҳақлари даражасининг ошиб бориши, реал даромадлар ҳамда яшаш минимумларининг нисбати билан аниқланади[6].

Чорвачилик тармоғидаги инновацион фаолиятнинг экологик самарадорлиги атроф-муҳитнинг яхшиланилиши орқали аниқланади ва уни баҳолаш учун бир сўмлик жами сарфланган харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилган экологик тоза маҳсулот ҳажмининг ўсиши каби кўрсаткичдан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармоғини барқарор ва инновацион ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтиришни кўзда тутгани ҳолда, биринчи навбатда аҳоли жон бошига сут, гўшт ва тухум маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасини тиббий меъёрлар талабларига яқинлаштириш ва қайта ишлаш саноати корхоналарини хомашё билан таъмин этишни кўзда тутиш лозим бўлади. Аммо, шу билан бирга чорвачилик хўжаликларининг инновацион ва барқарор ривожланиши нафақат чорва моллар бош сонини кўпайиши, маҳсулдорликнинг ошиши, самарадорлик ёки рентабеллик даражаси билан эмас, балки чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг қай даражада ривожланганлик даражаси билан ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Таҳлил ва натижалар

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш жараёни бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш жараёни билан биргаликда олиб борилса кўзланган натижага эришиш мумкин.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш нафақат тадбиркорлик субъектларининг муаммолари, балки давлатнинг ҳимоясида амалга оширилиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги тармоғи каби тармоққа хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқлари доимий равишда давлатнинг кўмаги ва протекционизм сиёсатига муҳтожлик сезади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишига ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитлари, экин майдонлари тупроқ унумдорлиги, агроресурслар билан таъминланганлик даражаси ва бошқа шу каби омиллар қандай таъсир кўрсатса, тармоққа хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг ҳудудий жойлашуви ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масаласига ҳам шунчалик таъсир кўрсатади. Бундай таъсирлар бевосита ёки билвосита кўринишга эга бўлади.

Чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ривожлантиришдаги юқорида тилга олинган хусусият қатор омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бундай омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шарт-шароити, қишлоқ хўжалиги тармоғининг ихтисослашув йўналишлари, чорвачилик тармоқларининг жойлаштириш аҳволи, ҳудуд аҳолисининг ўсиш суръатлари, аҳоли бандлиги даражаси ўзгариши каби омилларни ҳисобга олган ҳолда инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам ҳудудларнинг ва чорвачилик тармоғининг жойлашуви, фаолият юритиши борасидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда чорвачилик тармоғига хизмат қилувчи инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

➤ чорвачилик маҳсулотларини сотиш ва чорвачилик маҳсулотларига талаб шаклланиши ҳудудий хусусиятларга эга. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг миллий

таркиби ва анъаналари ҳам маҳсулот истеъмолига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бозорларининг мавжудлиги ва бозорлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим. Яъни, савдо-тижорат йўналишидаги хизматлар асосан сут ва гўшт қорамолчилиги ҳудудларида ривожлантирилиши ҳам инфратузилма объектларининг самарали фаолиятига ва шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига қулай шароит яратиб беради;

➤ чорвачилик тармоқларининг ихтисослашув йўналишлари ва чорва моллари бош сонининг ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларининг ўсиш динамикасидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниши лозим. Чунки чорвачилик соҳаси ихтисослашуви бўйича турли-туманлиги, маҳсулотлари таркиби ҳам бир-биридан фарқ қилиши боисдан турлича хизматларга талаб пайдо бўлади;

➤ чорвачилик ҳудудларида чорвачилик фермер хўжаликларининг тарқоқлиги ва географик жиҳатдан бозорларга нисбатан ва хизмат кўрсатиш марказларига нисбатан турли масофаларда жойлашганлиги ҳисобга олиниши лозим. Бу бир томондан фермер хўжаликларидаги чорвачилик тармоғига хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан хизмат кўрсатувчи бўғинларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади;

➤ чорвачилик ҳудудларида доимий равишда тармоқ учун зарур ресурсларни сотиб олиш, насли молларга эга бўлиш, хизматлардан фойдаланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни энг кўп фойда олган ҳолда сотиш борасидаги ахборотлар етишмаслиги хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишда ҳисобга олиниши лозим. Чунки, бозор конъюнктураси ҳақида маълумотлар чорвачилик билан шуғулланувчи фермерга ҳам, хизмат кўрсатувчи соҳа субъектларига ҳам бирдай муҳим;

➤ маҳсулотларни сотиш тизимининг бозор талабларига ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи тармоқлар фаолияти хусусиятларига жавоб бермаслиги туфайли, фермернинг ишлаб чиқаришга жалб қилган инвестицияси қайтими таваккалчилиги хавфининг юқорилиги ҳисобга олиниши лозим. Бу вазият маҳсулот ишлаб чиқарувчига ҳам ва хизмат кўрсатувчига ҳам молиявий хавф-хатарлар пайдо қилиши боисдан инфратузилма субъектларини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим;

➤ чорвачилик тармоғига хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ташкил этишда қишлоқ хўжалиги корхоналарини эркин иқтисодий фаолият юритиши учун яратилган шарт-шароитлар ва маҳаллий бошқарув идораларининг, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятига маъмурий аралашувининг қандай даражада эканлиги ҳам эътиборга олиниши лозим. Чунки тажрибалар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ортиқча маъмурий дастаклар бозор талаблари асосида фаолият олиб борувчи инфратузилма субъектлари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва бу ўз навбатида кўрсатиладиган хизматлар сифати пасайишига ҳамда баҳолари ошишига олиб келувчи омил ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда республикамизда чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва ишлаб чиқариш йўналишлари доирасида қуйидаги йирик гуруҳлар

бўйича кўриб чиқиш мумкин (1-расм):



1-расм. Чорвачилик тармоғига хизматлар кўрсатиш соҳасининг асосий йўналишлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

➤ *чорвачилик тармоғига техник хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектлари* – машина-трактор парклари АЖ, муқобил машина трактор парклари, хусусий техник хизмат кўрсатиш тузилмалари ва бошқалар;

➤ *чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга моддий-техник ресурслар етказиб бериш (сотиш) инфратузилмаси объектлари* – нефть маҳсулотлари етказиб бериш, минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари (озуқа экинларни етиштиришда), эҳтиёт қисмлар сотиш шаҳобчалари ва бошқа шу кабилар;

➤ *чорвачилик тармоғининг озуқа базасини шакллантирувчи инфратузилма объектлари* – ем-хашак сотиш ва етказиб бериш шаҳобчалари;

➤ *чорвачилик тармоғининг озуқа базасини шакллантирувчи инфратузилма объектлари* – ем-хашак сотиш ва етказиб бериш шаҳобчалари;

➤ *зооветеринария хизматлари инфратузилмаси* – чорва молларини жойлаштириш ва ер майдонлари билан таъминлаш, табиий ва сунъий уруғлантириш, чорва молларининг эпидемик касалликларга қарши курашиш, эмлаш ишларини олиб бориш каби хизматларни ўз ичига олади;

➤ *чорвачилик тармоғини молиялаштириш ва суғурталаш инфратузилмаси* – тижорат банклар (мини банклар), молиявий жамғармалар, суғурта ташкилотлари хизматлари, инвестицион компаниялар ва бошқа молиявий институтлар хизматлари;

➤ *чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш хизматлари инфратузилмаси* – агрофирмалар, турли мулкчилик шаклидаги қайта ишлаш корхоналари, савдо соҳаси корхоналари, маҳсулотларни тайёрлаш ва қадоқлаш ҳамда транспорт соҳаси хизматлари;

➤ *ахборот – консалтинг хизматлари инфратузилмаси* – ахборотлар таъминоти, консалтинг хизматлари (ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, маркетинг инжиниринг ва бошқа).

➤ *чорвачилик соҳасидаги мутахассис кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги хизматлар* – бизнес мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва малака ошириш марказлари каби тузилмалар фаолият юритмоқда;

➤ *инновацион инфратузилма* - насли буқа уруғини қадоқлаш хизмати, инновацион марказлар хизматлари, илмий-тадқиқот институтлари, селекция хизматлари ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилган инфратузилма объектлари республикада чорвачилик тармоғини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда айнан зооветеринария хизматларини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан кейинги йилларда бир қатор ҳуқуқий-меъорий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Ветеринария тўғрисида (янги таҳрири)”ги қонуни (2015 йил, 29 декабрь), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ветеринария хизмати ёш кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 253-сонли (2016 йил, 8 август) ҳамда “Давлат ветеринария хизмати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 361-сонли (2016 йил 25 октябрь) қарорларини мисол қилишимиз мумкин.

Ўзбекистонда чорвачилик тармоғини, шу жумладан унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини инновацион ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Исроил давлатида чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегияси диққатга сазовордир. Исроил давлатида чорвачилик соҳасида эришилган ютуқлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, бу натижаларга (11000-12000 кг сут соғиб олиш) 60 йил давомида эришилган. Яъни, 1939 йилда ўртача бир сигирдан сут соғиб олиш 2800 кг бўлган бўлса, 2007 йилга келиб ўртача 11000 кг га ошган[7].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, чорвачилик соҳасида юқори маҳсулдорликка эришишда соҳада селекция-наслчилик ишларини олиб бориш ва такрор ишлаб чиқариш учун дунёнинг энг яхши зотларидан фойдаланиш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Республикамизда наслчилик ишларини яхшилаш,

чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш, наслчилик ядросини шакллантириш ва кенгайтириш, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида 2006-2015 йилларда Украина, Белорусь, Польша, Австрия, Германия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатларидан 52 минг бошдан ортиқ насли голштино-фриз (Германия, Польша), қора-ола (Белорусь, Украина), қизил-чўл (Украина), симентал (Австрия) зотларига мансуб юқори маҳсулдор урғочи қорамоллар импорт қилинди ва шу асосда кўпгина наслчилик фермер хўжаликлари янгидан шаклланди. Четдан келтирилган қорамол бузоқлари 163 минг бошга кўпайди.

Аммо шу билан чорвачилик тармоғида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд, буларга:

- ем-хашак экинлари учун умумий майдонлар улушининг пастлиги ва чорва моллари бош сонига нисбатан номутаносиб жойлаштирилганлиги;
- озуқа экин майдонларидан унумли фойдаланиш ва экинларнинг ҳосилдорлик даражасининг пастлиги;
- ем-хашак ўрим-йиғим техникаларининг етишмаслиги, мавжудларининг аксарияти жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги;
- чорвачилик соҳасида механизациялашганлик даражасининг нисбатан пастлиги;
- тўла қамровли зооветеринария хизмати кўрсатилмаётганлиги. Бунга асосий сабаб қилиб, зооветеринария соҳасидаги мутахассис кадрларнинг етишмаслиги ва зооветеринария пунктларининг жиҳозланиш даражасининг талабга жавоб бермаслиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” статистик тўплам. –Тошкент. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2005-2017 йй.
2. Рупошев А.Р. Инновационные направления развития отрасли животноводства// ж. Ваш сельский консультант, 2011, №2, с. 3-7.
3. Добровольский В.В. Актуальные проблемы и возможные перспективы развития животноводства в Украине с помощью инноваций.
4. Кузьмицкая А.А., Бабьяк М.А., Бабьяк Е.Е. Опыт инновационного развития животноводства в Брянской области//Вестник Брянской государственной сельскохозяйственной академии, 2013, №5, С.22-29. <https://cyberleninka.ru/article/v/opyt-innovatsionnogo-razvitiya-zhivotnovodstva-v-bryanskoj-oblasti>.
5. Артемова Е. Экономические аспекты инновационного развития животноводства (теория и практика): автореф. дисс. докт. экон. наук//Е.Артемова. – Краснодар, 2008. – 46 с.
6. Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Инсон тараққиёти. –Т.: Фан ва технология, 2013, 177 б.
7. Забутый Александр, PhD. Animal Science; - Сельское хозяйство Израиля; - Hannover 2012. – 25 стр.